



## МАҚОЛЛАРНИНГ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Й. Мирзаахмедова<sup>1</sup>

<sup>1</sup> ТДЮУ. Хорижий тиллар кафедраси

катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5813074>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-Dekabr 2021

Ma'qullandi: 25-Dekabr 2021

Chop etildi: 30-Dekabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

Алишер Навоий, Бобир,  
Муқимий, Фурқат,  
Завқий, Лутфий каби  
шоир ва ёзувчилар  
грамматик

категориялар, лексик-  
семантик

категориялар,

функционал

категориялар.

### ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларнинг икки тилдаги миллий-маданий ва универсал хусусиятлари ҳамда уларнинг инсонлар ҳаётидаги ўрни кўриб чиқилган. Ушбу мақолада машҳур ёзувчи ва олимларнинг мақоллар устида олиб борган ишларидаги хулосалари ва мақолларнинг инсон ҳаётидаги ўрни, аҳамияти келтириб ўтилган. Турли тиллардаги мақолларни қиёслаб ўрганганимизда, улар ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни аниқладик.

Халқ яратган маънавий маданиятнинг яхлит бир бутунлиги бу албатта ўша халқнинг мақоллари ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг оғзаки ёки ўзма ёдгорлигини олиб қарайлик, унда бани башар хотирасида элас-элас сақланиб келаётган асотир-афсоналар, узоқ тарих қаъридаги ибтидоий тасаввур ва тушунчалар, аср-асрлар давомидаги кузатишлардан хосил бўлмиш ҳаётий ҳикматлар қаймоғи-инсоний тафаккур тажрибасининг инъикосини кўрамыз. Инглиз ва ўзбек

халқ мақоллари ҳам ана шундай минг йиллар ичида йиғилиб, сайқал топган илмий-бадий тафаккур ҳосиласи сифатида юзага келган, халқ орасида айтилиб, пухталаниб, авлоддан авлодга энг яхши маънавий мерослардан бири бўлиб ўтиб келади. Ўтмишда яратилиб ва ишлатилиб келинаётган энг яхши мақоллар, халқ донишмандларининг намунаси сифатида, ҳозир ҳам жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бундай мақоллар ва ҳикматли сўзлар ҳар



бир халқнинг маънавий бойлигининг қимматбаҳо хазинасини ташкил этади.

Алишер Навоий, Бобир, Муқимий, Фурқат, Завқий, Лутфий каби шоир ва ёзувчилар халққа тушинилиши осон бўлсин деб халқ ижодидан самарали фойдаланганлар. Ёзувчи М.Горький ҳам мақолларга юксак баҳо бериб: “Энг улуғ донолик сўзнинг соддалигадир. Мақоллар ва қўшиқлар ҳар вақт қисқа бўлади. Уларда бутун-бутун китоблар мазмунига тенг келадиган фикр ва сезгилар мавжуд бўлади” деган эди.

Мақолларни чуқурроқ таҳлил этиш ва уларнинг турли тиллардаги миллий-маъданий ҳамда умумбашарий қадриятларини акс этиши орқали ўрганиш ҳозирги замон тилшунослигининг долзарб муаммоси бўлиб келмоқда. Қиёслаб ўрганадиган бўлсак, дунёдаги барча тиллар ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўришимиз мумкин ва айнан шу феномен турли тилларни бир-биридан ажратади. Лекин шу нарса маълумки, тил ўрганувчилар ўзига бегона бўлган тилни она тили ва шу тил ўртасида маълум бир боғлиқлик асосида ўзлаштиради. Бу тиллар маълум бир категориялар остида бирлашади. Бу категорияларда грамматик категориялар, лексик-семантик категориялар, функциянал категорияларга ўхшаган лисоний белгилар киради. Демак, умумлаштирувчи категориялар тиллардаги универсалликни таъминлайди. Шу аснода, мақоллар ҳар бир тилда учрайдиган ўзига хос тил бирлиги экан, уларда ҳам умумийлик мавжуд. Шу ҳақда Г. Л. Пермиаков қуйидагича фикр юритади: ҳолатларни

умумийлаштириш хусусияти яъни бир хил ёки ўхшаш ҳолатларни бирлаштириш турли халқлар мақолларида учрайди. Мақоллардаги шу бир хиллик универсалликни таъминлайди ва кўп ҳолатларда алоҳида мантиқий маънога эга бўладилар. Бундан келиб чиқадики, мақол дунёси жаҳон цивилизацияси билан боғлиқдир, уни фақат бир миллатга тегишли дейиш мутлақо нотўғри. Мақоллардаги универсаллик паремиологиянинг асосий қирраси болиб, у мақоллардаги ўхшаш ва бир хил ҳолатларни умумлаштиради ва ҳатто қариндош бўлмаган тилларда, уларнинг тарихига, этносига қарамай учрайди<sup>1</sup>.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кўплаб мақолларнинг ҳар хил тиллардаги шаклларида ҳам шаклан, ҳам маъно жиҳатдан ёки умумий бажараётган функцияларидан ўхшашлик топса бўлади. Ўзбек тилидаги айрим мақоллар инглиз мақолларига функционал жиҳатдан мос келади. Масалан, **First think, then speak** мақолини ўзбек тилидаги муқобил варианты **Аввал ўйла - кейин сўйла** мақолига тўғри келади, чунки бу мақол ҳар иккала тилда айнан бир хил маънога эга ҳамда унинг грамматик тизими ҳам анча яқин.

Шу билан бирга, маълум бир тилдан иккинчи тилга берилган ўгиришларда мақолларнинг айнан ўхшабини топиш қийин бўлади. Шунда изоҳларга ёки иккинчи бир адекват вариантга мурожаат қилинади. Ўзбек тилидаги мақолларнинг инглиз тилида ёки инглиз тилидаги мақолларнинг ўзбек тилидаги муқобил вариантыни топиш анча мушкул, бу борада мақолларга ўрни келганда изоҳ бериб



ўтиш таржимага путур етказмайди балки уни тўлдиради ва бойитади.

**Сўзлагувчи нодон бўлса, эшитгувчи дано бўлсин** мақолинининг айнан нусхаси инглизчала йўқ бўлгани ҳолда бу мақолни унинг яқинроқ эквиваленти билан бериш мумкин. Лекин уни **If speaker is fool listener should be wise** деб таржима қилинса унинг ўзбекча қолорити сақланиб қолади ва бу ҳаммага тушунарли бўлади. Худди шу сўзларни **Қассоб мой қайғусида, эчки - жон қайғусида** мақолига ҳам қўллаб уни **The butcher grieves for bacon, and the goat - for its life** қабилида берилса маъқул бўлади. Қизи борнинг нози бор мақолини инглиз тилига **Who has a daughter that has a whim** қабилида берилса Марказий Осиё халқлари, хусусан ўзбек урфодатларидан беҳабар инглиз

ўқувчиси уни бутунлай тушунмаслиги мумкин. Инглиз тилига уни **Parents of the bride may be capricious (they can expose their own terms)** деб ағдаришдан бошқа чора йўқ. Бошқа йўли: бу мақол мазмунини берувчи бошқа мақол топиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бир-бирларига маъно ва стилистик вазифа жиҳатларидан мос бўлиб, сўз тартибида камдан-кам мос бўлса, сонда камдан-кам фарқ қиладилар, лексик таркиб жиҳатидан фарқ қиладиган муқобил вариантлар. Уларнинг кўпчилиги шаклан миллий, мазмунан байналмилалдирдар. Улар шакли билан ўзларининг муайян миллий тилга мансубликларини тасдиқласалар, мазмуни билан жаҳон маданияти ва цивилизацияси маҳсули эканликларини намоён қиладилар.

|                                    |                      |
|------------------------------------|----------------------|
| Pigeon's milk                      | Анқонинг уруғи       |
| Every dog is a lion at home        | Ҳар ким ўз уйида бек |
| All bread is not baked in one oven | Беш қўл баравар эмас |
| No pleasure without pain           | Гул тикансиз бўлмас  |

Бирор камёб, кимматбаҳо, орзу қилиб етиб бўлмайдиган нарсани инглизлар «Pigeon's milk» (кабутарнинг сути), руслар «Птичье молоко» десалар, ўзбеклар «анқонинг уруғи» (афсонавий қуш тухуми) дейдилар. Аслзода жамият вакиллари инглизлар ва руслар назарида «Blue blood» (зангори кон), «Голубая кровь» ҳисоблансалар, ўзбеклар тасаввурида «Ок суяк»дирлар. Одамлардан аллақачон барчага маълум сирни яширишнинг беҳудалигини образли ифодалаш учун руслар «Шила в мешке не утонешь» мақолига мурожаат қилсалар, ўзбеклар ушбу ўринда «Ойни этак билан ёпиб бўлмас» мақолидан

фойдаланадилар. «Ҳамма одам бир хил эмас» тушунчасини инглизлар образли тарзда «All bread is not baked in one oven» (барча нон бир тандирда ёпилмайди), ўзбеклар «беш қўл баравар эмас» дейдилар.

Маълумки ҳар бир халқ ўз эътиқоди, миллий хусусияти, ўзига хос фантастик образлари, турли туман кўчма маъноли бирикмалари учун асос қилиб олинган мисоллари бор.

Шу каби В.Шекспир асарларидаги мақол ва маталарда ҳам юқоридаги жиҳатлар ўз ифодасини топган. Тиллардан тилларга таржима қилиш



мумкинлигини асослайдиган нарсалар жамият халқлари гарчи турли тилларда сўзлашсалар, аммо уларнинг тафраккур қонунлари бир хилдир.

В.Шекспир асрларидаги мақол ва маталлар ҳам ўз даври турмушининг халқ тафраккури асосида юзага деган тушунчаларни ўзида мужассам қилади.

Е. В. Кухарева араб ва рус мақоллари бўйича тадқиқотлар олиб бориб, шундай хулоса қиладики, аксарият мақоллар мавзу ва ҳолатларга нисбатан умумийликка эга экан. Бу умумийликни паремиялар турлича асослар эканлар: бир гуруҳ олимлар мақолларидаги ўхшашликни этник келиб чиқиш ва қариндошлиги билан асосласа, бошқа олимлар янги маиший ва маъданий алоқаларнинг кириб келиши ва қабул қилинишида дейдилар, учунчи гуруҳ олимлари эса тарихий ривожланиш соҳоналари натижаси ва ғоялар уйғунлигида деб асослайдилар.

“Универсалия” атамаси латинча “универсалис” сўзидан олинган бўлиб, “умумий”, деган маъноларни англатади ва у деярли барча тиллардаги хусусиятларни қамраб олади. Универсалиялар икки кўринишда бўлади: дедуктив универсалиялар – шундай тил хусусиятларики, улар барча тилларда учрайди ва аниқ ифодаланади. Буларга асосан гапларнинг ҳар хил структуравий турларининг ишлатилиши киради; индуктив универсалиялар эса деярли барча машҳур тилларда мавжуд. Хулоса қилиб шуни изоҳлайдики, мақоллар таърифи барча халқ маданиятига мос келиши ва уларни қониқтириши керак экан<sup>2</sup>. Масалан: **Love and cough cannot be hidden** –

**Муҳаббат ва йўтални яшириб бўлмайди ва Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади** мақоллари турли маданиятга хос бўлса ҳам, яъни бири инглиз миллий маданиятига ва иккинчиси ўзбек миллий маданиятига оид тил бирикмалари бўлсада, улардаги мантиқий мазмун деярли бир хил яъни **касални яширсанг иситмаси ошкор қилади**. Турли тил ва миллий маданиятдаги универсаллик эса юқоридаги мақолларда очиқ кўриниб турибди.

К. Й. Алибеков шуни таъкидлайдики, ҳозирги кунда мақоллар фақатгина халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида эмас, балки лингвомаданиятнинг бирлиги сифатида ўрганилмоқда. У “соғлиқ” ва “гигиена” концептларини рус, ўзбек ва қозоқ тилларида қиёслаб ўрганиб, шундай хулосага келадики, рус маданиятида “соғлиқ” ва “гигиена” концептлари қимматбаҳо заруратни касб этса, ўзбек ва қозоқ тилларида бу концептлар бойлик билан тенглашади. Бўндан кўриниб турибдики, уч халқнинг миллий маданиятида мазкур концептида бир-бирига деярли яқин маъноларни англатади<sup>3</sup>.

К. Туманишвили, мақоллар – бу миллатнинг тарихий ўй-фикрлари натижаси бўлиб, уларни маълум бир гуруҳнинг “автобиографик” хотираси деб номлайди. Мақоллар миллий шакл намуналари бўлиб, миллат онгида уйғунликда ва миллий фикрлаш тизими асосида жойлашгандир. Бу эса этник гуруҳнинг қирраларини табиий равишда намоён этади. Ва генетик ахборот натижасида қурилади<sup>4</sup>.



Демак мақолларнинг универсал ва миллий хусусиятлари эгаллиги ҳақида кўп тадқиқотлар олиб борилган. Универсал хусусиятлар мақолларнинг тузилишида, бир маъновийлик ва кўп маъновийликлигида ҳамда мавзуларида намоён бўлса, бунинг сабаби тарихий ривожланиш, халқаро алоқаларнинг кучайиши ва умумбашарий қадриятларнинг ўсиши ҳисобланади. Миллий хусусиятлар – миллий феъл-атвор, миллий руҳ акси бўлиб, муайян бир этносга тегишли хусусиятлардир. Муайян бир этноснинг яшаш жойи, тарихи ва миллийлиги каби зарурий қирраларини билмасдан туриб, унинг мақоллари маъзини, маъносини тушуниш мутлақо мумкин эмас.

Мақоллар хушёр бўлишга, дўстни душмандан фарқ қилишга, инсонпарвар, хушфеъл, ширин сўз, садоқатли бўлишга, ота-она, қариндош-уруғ ва дўстларни қадрлашга, катталарни ҳурмат қилишга,

кичикларга нисбатан шафқатли бўлишга ўргатади: “Яхши билан юрсанг етарсан муродга, ёмон билан юрсанг қоларсан уятга”, “Ҳурмат қилсанг ҳурмат кўрасан”.

Инсонни тозаллик ва соғлиқга чақирувчи мақоллар қисқа ва содда сўзли бўлиб, аммо чуқур, теран маъноли ва аини мақсадга йўналтирилгандир: “Кўзинг оғриси кўлингни тий, ичинг оғриси нафсингни тий!”, “Одам – пўлатдан қаттиқ, гулдан нозик”, “Сиҳат тиласанг, кўп ема, иззат тиласанг, кўп дема!”, “Поклигинг-соғлигинг” каби мақоллар халқимизда кенг тарқалган бўлиб энг яхши маънавий меросларимиздандир. Шундай экан, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда, уларни баркамол авлод этиб тарбиялашда талабаларга тушинилиши осон бўлсин деб доно фикрларни ўз ичига олган мақоллар билан суҳбатларимизни безаш ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Пермяков Г.Л. Основы структурной паремиология. – Москва, 1988
2. Кухарева Е. В. Типологически-универсальное и национально- специфическое в арабских пословицах и поговорках. Ч.2.- М.: РУДН,2003.
3. Алибекова К. Е. Обучение трюкоязычных студентов медицинской лексике и пословицам русского языка с базовыми концептами “здоровье”, “гигиена”. – Ташкент, 2006.
4. Tumanishvili. The specific and the Universal in the Proverb Genre / Rustaveli Institute of Georgian Literature. Volume1, 2007.
5. Мирзаев Т. Ўзбек халқ мақоллари.- Тошкент: Шарқ, 2012.
6. Yuldashevna, M. M., & Abdijalilovna, Z. D. (2019). The impact of the East in Shakespeare's tragedies. *Journal of Critical Reviews*, 7(3), 2020.
7. Iskandarovna, X. G., & Yuldashevna, M. M. (2020). THE INTERPRETATION OF ENLIGHTENMENT IN SHAKESPEARE AND NAVAİ WORKS. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 14793-14810.



8. Рўзибаева, Н. Р. (2021, June). ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ. In *Conferences*.
9. Мустафаева, Н. И. (2017). The use of multimedia technologies in teaching foreign languages. Молодой ученый, (14), 728-730.
10. Рузибаева, Н. Р. (2021). ЭКСТРАЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АНТИТЕЗЫ В УЗБЕКСКИХ И АНГЛИЙСКИХ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТАХ. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 4(1-2).